

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар буйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 4.18- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабнинг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	9
3.1.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар</i>	9
3.2.	<i>5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	9
	Библиографик маълумотлар.....	10

1. 5230100 – Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида танқий қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланмиш соҳаси.

1.1.1. 5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабнинг қўлланилиши.

Малака талаби 5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5230100 - Иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, қуйидагилардан иборат: турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ соҳаларнинг хужалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, таълим муассасаларининг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш - иқтисодий ва тахлил хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва соҳалар бўйича - тармоқлари ва корхоналарини ривожлантиришга, истиқболни белгилашга, касбий кўникмасига, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг военгалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади. Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объеклари:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари;

- тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлиналари;

- валюта биржалари, халқаро компаниялар ва уларнинг ҳудудий бўлиналари;

- иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари;

- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида таъкилот, корхона ва муассасалар иқтисодий самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнилари;

- фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва мақаллий давлат органларида иқтисодий фаолияти;

1.2.3. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

• молиявий-иқтисодий;

• ҳисоб, таҳлил ва назорат;

• ташкилий-бошқарув фаолияти;

• илмий-тадқиқот фаолияти;

• педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);

• тадбиркорлик.

1.2.4. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объеклари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– иқтисодиёт субъектлари фаолияти иқтисодий баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;

– иқтисодий хавфсизликни белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллариини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– иқтисодий самарадорликка эришиш юзасидан иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот маълумотларини излаш, тўплаш ва таҳлил қилиш;

– иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топшириққа асосан қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, олинган натижаларни қиёслаш ва асосланган хулосаларга келиш;

– Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўлган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

– иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;

– лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

– тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

– бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

– давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш;

– иқтисодий фаолият субъектларининг жорий иқтисодий ва молиявий фаолиятларининг барқарорлигини мониторинг қилиш;

– иқтисодий самарага эришишга дахлдор бўлган иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиш, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолаш.

– иқтисодиёт соҳасида борасида таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда норматив ҳужжатлар билан таниши ва мустақил фикрлай олиш;

– хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) мустақил ишлаб чиқиш;

– режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш;

– меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

– тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш;

– ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

– хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилona ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини ўрганиш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш норматив ва қондаларига амал қилиш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодий самарадорликка эришиш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

- рақамли иқтисодиётни таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- тармоқлар ва соҳаларда иқтисодий самарадорликка эришиш ва тежамли ишлаб чиқаришни таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни максалга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганишни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- иқтисодий категория ва қонунлар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини

билиши;

- микроиқтисодийнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- менежмент асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши, бозор ва унга хос қонунлар ва хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ҳамда моделлар ёрдамида ўрганиши;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартлари, усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари, риск трансфери ва трансформацияси ҳамда қоплама тўловчи бўйича суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- солиқ турлари ва уларни ҳисоблаш усулларини билиши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузиши;

- молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари ва уларни бошқариш усулларини билиши;

- пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболлини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пассив банк операцияларини қўллай олиши;

- халқаро валюта ва кредит муносабатларини тадрижий ривожланиши, уларни ўрнатиш шартлари, валюта ва халқаро кредит операциялари, уларни амалга ошириш тартиби, халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва халқаро молия институтлари фаолиятининг асосий йўналишларини билиши;

- банк ишининг назарий, амалий асосларини билиши, банк фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, кредитга лаёқатлилиқни таҳлил этиш ва уни баҳолаш бўйича малакага эга бўлиш, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, банк операцияларини ҳисобга олиш ва ҳисоб-операцион ишларни юритишни, банкнинг бухгалтерия ҳисоботларини тузишни билиши;

- халқаро молиянинг асосий функциялари, молиявий глобаллашув, хорижий инвестициялар, тўлов балансининг ҳолати, халқаро молия бозори, иқтисодий интеграциянинг асосий йўналишларини назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

2.3. Касбий квалификациялар:

Иқтисодчи, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартирish вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларда фаолият олиб боради, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида иқтисодий масалалар бўйича фаолият кўрсатувчи, макроиқтисодий сиёсат, таҳлил ва прогнозлашни амалга оширувчи, мамалакат минтақалари иқтисодий ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқувчи ҳамда иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи, квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий уқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодиёт тармоқлар ва соҳалар, тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар, индустриал тармоқлари, корхона фаолияти, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни технологик асослари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва лойihalаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдани максималлаштириш, модернизация, самарадорлик, рақобатбардошлик, рақамли иқтисодиёт.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент молния институти

Ректор в.в.б.  С. Мехмонов

2020 йил « 25 » 07



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимнинг
ривожлантириш тадқиқотлари ва илмий
технологияларини таъбиқ этиш маркази

Тошкент давлат иқтисодийот
университети




С.Т.Хакимов




К. Шарипов

« _____ » йил « _____ »

“Ўзбекистон иқтисодийотнинг
ривожлантиришининг илмий асослари ва
муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

Тошкент шаҳар Янгибод тумани
хокимияти “Тахсилнинг назорат” бўлими

Директор в.в.б.  А. Абдуваллес


Т.Х.Хомидов



2020 йил « _____ »

М.Ў.

“Радиоалока, радиоэшиттириш ва
телевидение маркази”
молния-иқтисод ишлари бўйича директор
муовини


У.Н. Хусанов



2020 йил « _____ »

**5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши
Малака талабаларининг халқаро миқёсдаги таълим стандартлари билан
қийёсий таққослаши**

Бакалавриятда таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (бакалаврият)	Америка Қўшма Штатлари (бакалаврият)	Россия Федерацияси (бакалаврият)
1.	Бошланғич	Академик лицей ва касб-хунар коллежларидан сўнг	1. 12 йиллик мактабдан кейин 2 йил коллежда ўқийди. Ундан кейин бакалавриятга ўқишга кириди. 2. 12 йиллик мактабдан кейин бакалавриятга ўқишга кириди.	Мактабни битиргандан кейин
2.	Давомийлиги	4-йил	3-4 йил	5-йил
3.	Таълим олувчилар сони	20-25 ва ундан ортиқ	20-30 ва ундан ортиқ	15-30 ва ундан ортиқ
4.	Ўтиш жойлари	Иститут факультетлари, аудиториялар, заллар, лабораториялар, илмий тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари	Университет факультетлари, аудиториялар, заллар, лабораториялар ва кампуснинг бошқа жойлари	Университет факультетлари, аудиториялар, заллар, лабораториялар ва кампуснинг бошқа жойлари
5.	Таълим берувчилар	Фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек, юқори ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар	Университетдаги профессор-ўқитувчилар, кичикрок гуруҳларда магистрлар турли корхоналардан вакиллар	Университетдаги профессор-ўқитувчилар, кичикрок гуруҳларда магистрлар турли корхоналардан вакиллар
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Факультет декани, «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири, дарс берувчи профессор-ўқитувчилар	Дарс берувчи профессор-ўқитувчилар томонидан назорат қилинади	Дарс берувчи профессор-ўқитувчилар томонидан назорат қилинади

Бакалавриятда таълим жараёнининг мазмун ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Америка Қўшма Штатлари	Муддати	Россия Федерацияси	Муддати
1 семестрда 5-7 та фан ўқитилади 1 йилда жами 8-10 та, 4 йилда 36 фан ўқитилади	4 йил	1 семестрда камида 4 та, кўпи билан 7 та, 1 йилда 8 та кўпи билан 14 фан ўқитилади. 4 йилда жами 16-28 та фан ўқитилади	4 йил	1 семестрда 8 та кўпи билан 10 та 1 йилда 16 фан ўқитилади	5 йил

Бакалавриятда таълим жараёнининг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Буюк Британия
1.	Назарий таълим	Асосий қисми маъруза кўринишида университет аудиторияларида ўтказилади	Асосан маъруза дарслари конференциялар, кўринишида ўтказилади.	Асосан маъруза ва семинар дарслари кичик конференциялар кўринишида ўтказилади
2.	Амалий таълим	Ўқув режада кўрсатилган соатлар бўйича институт аудиториялари, ахборот ресурс марказларида амалга оширилади.	Амалий таълим университет аудиторияларида кичик гуруҳлар кўринишида ўтказилади.	Амалий таълим университет аудиторияларида кичик гуруҳлар кўринишида ўтказилади.
3.	Илмий-тадқиқот ишлари	Бакалавриятда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини асосан ишлаб чиқариш корхоналари материаллари асосида бажаради ёки ихтисослик фанларидан Давлат имтиҳони топшириш ҳуқуқига эга бўлади. Кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий-тадқиқот ишини бажариш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш билан шугулланадилар.	Бакалавриятда талабалари ўқиш жараёнида илмий иш "мавзуси танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. Бакалаврда ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. Курс иши умумий баҳонинг 20 фоизини ташкил этади. Уни биринчи тақдимот қилади ва ундан кейин ёзади.	Бакалавриятда ёзма равишда 1 йил диплом ёзади. Талабалар мустақил равишда ёзади. Илмий раҳбар бириктирилади. Бошқа ўқитувчилар ҳам бир вақтда текшириб боради. Курс иши илмий-тадқиқот ишининг 30-40 фоизини ташкил қилади. Уни биринчи тақдимот қилади ва ундан кейин ёзади.
4.	Мустақил таълим	Бакалаврлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича корхона материаллари, меъёрий ҳужжатлар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Мустақил таълимга соатлар ажратилмайди. 1-семестрда ҳар ҳафтада 1 та мавзу муҳокама қилинади. Электрон онлайн шаклида ўқитувчи назорат қилади. Ҳар бир талаба камида 20 марта муҳокамада қатнашади.	Мустақил таълимга соатлар ажратилмайди. 1-семестрда ҳар ҳафтада 1 та мавзу муҳокама қилинади. Электрон онлайн шаклида ўқитувчи назорат қилади. Ҳар бир талаба камида 20 марта муҳокамада қатнашади, лекин балл берилмайди.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний назорат кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат аттестацияси ёзма ёки тест кўринишида амалга оширилади.	Якуний назорат учун кейс берилади. Якуний назорат вақтида кейс саволларига жавоб берилади. Бундан ташқари умумий саволларга жавоблар берилади. Умумий - баҳодан 30 фоизи оралик баҳолашга, 30 фоиз якунийга, 20 фоиз курс ишига 20 фоизи дарсга келгани учун балл олади. 5-10 фоизгача қўшимча балларни реферат топшириб, савол-жавоб қилиб бонус берилади ва балл олиши мумкин.	Ёзма равишда эссе ёзади. Кейс топшириқлари берилади. Якуний назоратда кейс саволларига жавоб берилади. Якуний имтиҳон 70 фоизгача баҳоланади. Курс иши 30 фоиз қўшимча балл берилмайди. Идентификация номери талабага берилади. Имтиҳон топшираётган талабани идентификация номерини ўқитувчи билмайди. Уни фақат ёзган билимига қараб баҳо қўйилади.

Тошкент молия институтининг 5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» бакалаврият таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ___ ” _____ 2020 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти “Тахлилий назорат” бўлими бошлиғи Т.Х.Хомидов, “Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” молия-иқтисод ишлари бўйича директор муовини У.Н.Хусанов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» бакалаврият таълим йўналишини малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топширигида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти “Тахлилий назорат” бўлими, Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти “Тахлилий назорат” бўлими, Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение маркази мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230100- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишини малака талаблари кадрлар истеъмолчилари – Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти “Тахлилий назорат” бўлими, Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение маркази мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёни тарғиб ва тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани
“Тахлилий назорат” бўлими бошлиғи
Т.Х.Хомидов

“Радиоалока, радиоэшиттириш
ва телевидение маркази”
молия-иқтисод ишлари бўйича
директор муовини
У.Н.Хусанов

Тошкент молия институти

ректору в.в.б.

С.У.Мехмонов

Тошкент молния институтида тайёрланаётган 5230100– Иқтисодийёт (тамоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)


Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	<p>шифри 5230100</p> <p align="center">Иқтисодийёт (тамоқлар ва соҳалар бўйича)</p>	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодийёт соҳа ва тармоқларида юза келадиган иқтисодий фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш; - иқтисодий муносабатлар соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш; - мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тахлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш; - интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва тахлил қилиш; - илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш; - иқтисодийёт тамроқлари муносабатлари соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва таъбиқ қилиш; - иқтисодийёт соҳа ва тармоқларида юза келадиган иқтисодий соҳадаги жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган стратегияларни режалаштириш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш; - иқтисодийёт соҳа ва тармоқларида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халқаро ҳамда миллий талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат қилиш; - касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга таъбиқ этиш; - фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш; - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш; - иқтисодийёт соҳа ва тармоқларидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг халқаро ҳамда миллий мослигини мониторинг қилиш; - иқтисодийёт соҳа ва тармоқларида юза келадиган иқтисодий фаолиятни режалаштириш ва унинг

	<p>самарадорларнинг оширишнинг ички имкониятларини кидириб топиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - иктисодиёт соҳа ва тармоқларида иктисодий фаолиятни бошқаришнинг замонавий муаммолари ва муҳимиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш; - иктисодиёт соҳа ва тармоқларида иктисодий фаолиятни ташкил қилиш, баҳолаш ва улар билан боғлиқ рискларни бошқаришда замонавий методларни қўллаш; - иктисодиёт соҳа ва тармоқларида иктисодиёт соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришда замонавий методларни қўллаш; - иктисодиёт соҳа ва тармоқларида иктисодиёт соҳасидаги жараёнларни ҳисобга олишда, молиявий-ҳўжалик фаолияти ва хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олишда замонавий фундаментал ва техник анализлардан фойдаланиш; - иктисодий муносабатлар соҳаси фаолиятини таҳлил қилиш; - иктисодий самарадорликни баҳолашда ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш; - бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича иктисодий фаолият соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.
--	--

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тулдирини тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.


2. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти
"Таҳлилий назорат" бўлими бошлиғи



Т.Х.Ҳомидов

"Радиоалоқа, радиошиғиттириш ва телевидение маркази"
молия-иктисод ишлари бўйича директор муовини



У.Н.Хусенов

5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқишига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимида ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда кўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юклагасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.


Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5230100- «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истикболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти
“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири


п.ф.н., проф. Х.С.Асатуллаев